

Миниатюра санъатидаги безак турлари ва уларнинг аҳамияти

Пайзиева Чарос Алишер кизи
Миниатюра ва китоб графикаси
кафедра ўқитувчиси

Ўзбек халқининг бадиий мероси кўп қиррали ва бой тарихга эга. Моддий ва маънавий маданиятимизнинг ажойиб намуналаринафақатгина юртимизда, балки бутун дунёда машҳурдир. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, тарихимиз, миллий қадриятларимиз, анъанавий маданиятимизга бўлган қизиқиш янада ортди. Давлатимиз бу масалаларга алоҳида аҳамият бермоқда.



Ўзбек халқи маданиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири Ўрта Осиё миниатюра санъатининг тараққиётidir. Ўрта асрларда Шарқда миниатюранинг ўзига хос мактаблари шаклланган. Шу жумладан Миср, Сурия, Ироқ, Афғонистон, Ўрта Осиё, Озарбайжон, Эрон, Ҳиндистон кўлёзма китобларининг барча безаклари ўзаро уйғунликда боғланган: чизикли ритм, манзара рангларнинг нозик уйғунлиги уларнинг безак тузилишини белгилаган.

Тавсвирий санъатнинг барча турлари каби бадиий безаш санъати ҳам композициянинг умумий қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Нақш беаги мусулмон давлатларида жуда кенг ривожланган бўлиб, Европа, Африка давлати халқларининг нақшларидан ажралиб туради. Шарқ нақшининг ўзига хослиги – унинг чексиз давом этиши. Нақш беаги икки турдан иборат бўлиб, улар: ислимий ва гириҳ деб номланади.

Ислимий нақш – бу табиатдаги ўсимликлар тасвирини безакли қилиб ишланишидир. Унда ўсимликнинг новда, гул, барги шаклларини маълум бир масофада ритмик такрорлаб, уни чексиз давом эттириш мумкин. Миниатюра суратларида ислимий нақшдан бино, ўтов, чодир, гилам, ёпинғичларни ҳашамдор қилиб безашда фойдаланилган.



Гириҳ бу геометрик шаклларнинг бирлашишидан ташкил топган безак. Гириҳарабча сўз бўлиб, “чигал”, “тугун” маъносини англатади. Мусулмон халқларининг меъморлик, миниатюра, кулолчилик, кандакорлик, гилам тўқиш ва бошқа амалий санъат турларида кенг қўлланилади. Гириҳнинг турлари жуда кўп бўлиб, асоси доира, учбурчак, квадрат шаклларининг ўзаро кесишуvidан ташкил топади. Гириҳ чизғич ва циркуль ёрдамида ўта аниқликка риоя қилган ҳолда чизилади. Гириҳнинг ўзига хослиги – шакл атрофидаги чизиқнинг бошқа чизиқ



билан туташиши, бир жойда устидан кейингиси остидан ўтиб тўқилиш хусусиятига эгаллигидадир. Мумтоз миниатюра асарларида бино девори, ҳовли сатхи, шоҳ тахти, чодир, соябон, гилам ва бошқа шакллари безакли

қилиб кўрсатишда гирихдан унумли фойдаланилган. Гирихнинг қуйидаги турлари бор:

1. Учбурчакларнинг ўзаро кесишуvidан. ташкил топган гирихлар.
2. Тўртбурчакларнинг ўзаро кесишуvidан ташкил топган гирихлар.
3. Айлана шаклларнинг ўзаро кесишуvidан ташкил топган гирихлар.
4. Эгилувчан шаклларнинг ўзаро кесишуvidан ташкил топган гирихлар.¹

Ҳошия безакларини композиция суратини ҳар томондан ўраб турувчи безакли майдон дейиш мумкин. Ҳошия турли-туман бўлиб, бир рангли, ислимий, гирих, жониворлар, гуллар, инсонлар тасвири ишланган турларини кўриш мумкин. Ҳошияларнинг баъзиларида қушлар, жониворлар, баъзиларида безакли кўринишдаги ёки фантастик жониворлар тасвирини кўплаб учратишимиз мумкин.Энг содда кўринишларига ҳошиялар турли ранг ёки олтин сачратмалари билан ҳосил қилинган доғлар кўринишида тайёрланган. Хат ёки тасвир майдони бўш қолган ҳолда ҳошия композицияси тўла яқунланган варақдан шуни англаш мумкинки ҳошия ишини махсус мусаввир уста бажарган бўлиши мумкин. Баъзи миниатюраларда композиция таркибидаги шакллар ҳошия майдонига туртиб чиқиб у билан қўшилиб кетади. Бу миниатюра санъатига хос жихатлардан бири ҳисобланади. Сурат мужассамотининг бундай ташкил қилиниши китоб безаш санъатининг



¹Сабилов М.М “Миниатюра композицияси” Ўқув қўлланма. Т.:. «Info Capital Group», 2018.

ажралмас қисмидир.²

Мумтоз китоб варақларининг безакларини кузатиб, хошия безакларига катта эътибор берилганлигини кўришимиз мумкин. Хошия беаги варақдаги сурат ёки матн атрофида бўш қолдирилган жой бўлиб у тоза қоғоз қолдирилган, кейинчалик эса қўшимча матнлар ёзилган. Суратлар ишланган варақ хошияси сачратма доғлар кўринишида безатилган, кейинчалик унга бир рангли содда композициялар ишлана бошланган. Одатда бундай безаклар бир ранг тусининг турли нисбатлари орқали тасвирланган. Шу билан бирга хошия безаклари турли ранг ва олтин сувидан кенг фойдаланилганлигини кўришимиз мумкин. Хошия безаклари китоб суратига безак сифатида ишлатилган бўлсада, баъзи миниатюраларда мураккаб композиция тузилишига эга бўлиб, тўлақонли рангли сурат сифатида бажарилган наъмуналари ҳам учраб туради. Бу суратларда хошия суратлари композиция тузилиши, рангдорлиги, ижро махорати асосий сурат даражасида бажарилганлиги сабаб, уларда қўшилиб кетиш ҳолатини кузатиш мумкин. Бундай асарларда асосий сурат билан хошия беагини ишланиш даражаси деярли ўзаро боғлиқлиги туфайли, асосий суратни ажратиб олиш ҳам мушкул. Варақдаги асосий матн атрофида турли ўлчамдаги бўш майдон қолдирилишидан мақсад, китобдаги матнларни узок сақланишини таъминлаш ҳимоялашдир. Ўқувчи китобни кўп варақлаганда, тушуриб юборганда, тасодифан сувга, оловга тушганда авваламбор китобнинг очиқ томонидан зарарланади. Бундай зарарланиш матин ёки суратга қайтарилмас зарар етмаслиги учун китоб усталари варақлар чеккасида завол топади. Шунинг учун хошия майдонини кўп қолдирилган.



²Сабилов М.М “Миниатюра композицияси” Ўқув қўлланма. Т.:, «Info Capital Group», 2018

Қўлёзмалар ҳошия безакларининг композиция безакларида ўсимлик, фонтастик жонивор, булут шаклларида безак сифатида фойдаланган бўлинсада, А.Жомийнинг “Саломан ва Абсал” қўлёзмасида ўзгача безаклардан фойдаланиш влганлигини кўриш мумкин. Қўлёзма варақларининг ҳошия



безакларида тўртбурчак, саккизбурчак шаклларида жойлашган портретлардан фойдаланилган. Варақдаги ислимий нақшлар тупроқ рангида ишланиб, инсон либослари ва юзини ишлашда ранг турлари кенг қўлланилганини кўриш мумкин. Сақланиб қолинган баъзи

варақларда ҳошия беаги тўла чизилиб марказда матн ёки сурат учун бўш майдон қолдирилганини кўриш мумкин. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки варақдаги ҳошия беагини бошқа мусаввир наққош тайёрлаган. Ҳозирги кунда биз ҳошия безаклари орқали суратни уларнинг қайси миниатюра мактабига мансуб эканлигини билиб олишимиз мумкин. Масалан ҳошия безакларида ўсимликларни реал ҳолатга яқинроқ қилиб тасвирланганини асосан ҳинд миниатюра мактабларида учратишимиз мумкин. Ҳинд миниатюра мактаблари ҳошия безакларида ҳашамдорлик ва мураккаб безак турларидан кенг фойдаланилганлиги билан ажралиб туради.

Занжир беаги. Китоб варақларидаги нақш безаклари, суратлар таркибидаги бино безакларида ритмик чизиқларнинг туташуви натижасида икки ёки уч арқон тўқилишини эслатувчи олтин рангга бўялган йўлак чизиқларида кўринади. Занжирни ҳосил қилиш учун ҳошия йўлаги олтин рангга бўялгач, мураккаблгига қараб оралари тенг бўлган икки, уч қатор масофалари тенг бўлган нуқталар қўйиб чиқилади. Нуқталар тартиб билан бирин-кетин туташтирилади. Занжирни чизишда тартибга риоя қилиш лозим.³

³Сабилов М.М “Миниатюра композицияси” Ўқув қўлланма. Т.: «Info Capital Group», 2018.

Китоб саҳифасининг хошия безаклари турли-туман композиция тузилишига эгаллиги билан алоҳида таҳлил қилинишга ҳақлидир. Афсуски мумтоз кўлёзма китоблар дунёнинг турли мамлакат кутубхоналарида сақланиши ёки шахсий коллекцияларга тарқалиб кетганлиги сабабли, таркибидаги сурат ва хошия безакларининг турлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмасмиз. Шунини ишонч билан айтиш мумкинки, кўлёзма таркибидаги суратлар билан бир қаторда хошия безакларини ўрганиш, таҳлил қилиш ислом санъатининг тўлақонли англашимизда муҳим ўрин эгаллайди.

Адабиётлар рўйхати.

1. Сабилов М.М “Китобат санъати” Ўқув қўлларма. -Т.: «Info Capital Group», 2018.
2. Сабилов М.М “Миниатюра композицияси” Ўқув қўлланма. Т.: «Info Capital Group», 2018.
3. Сабилов М.М, Ҳаджиметов Б.Б “Мутахассислик бўйича материалшунослик” -Т.: «Info Capital Group», 2018.
4. А.Навоий дostonларига ишланган миниатюра асарлари.